

## БҮЛАЖАК МУСИҚА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎРНИ

Сапоева Ф.А.

ТДПУ таянч докторант

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7378124>

**Аннотация.** Уибу мақолада бўлажак мусиқа ўқитувчиларини мустақил таълим фаолиятини ривожлантиришининг педагогик, психологик имкониятлари ҳамда олий таълим тизимидағи ўрни ва ахамияти юзасидан фикрлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** АКТ компонентлари, горизонтал даражса, вертикал даражса, технологик ва дидактик, интерфаол таълим, информацион таълим.

## ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ РАЗВИТИЯ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ УЧЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ МУЗЫКИ

**Аннотация.** Вданной статье представлены представления о педагогико-психологических возможностях развития самостоятельной учебной деятельности будущих учителей музыки, а также их роли и значении в системе высшего образования.

**Ключевые слова:** компоненты ИКТ, горизонтальный уровень, вертикальный уровень, технологическое и дидактическое, интерактивное обучение, информационное образование.

## PROGRESS AND CURRENT STATUS OF DEVELOPMENT OF INDEPENDENT EDUCATIONAL ACTIVITY OF FUTURE MUSIC TEACHERS

**Abstract.** This article provides ideas on the consistency, place and importance of teaching computer science and information technology in the higher education system.

**Keywords:** ICT components, horizontal level, vertical level, technological and didactic.

Бугунги кунда "технология" атамаси кенг талқин қилинадиган бўлди. Уни муйайн/конкрет тизимдаги барча методлар, воситалар ва шакллар мажмуи сифатида анъанавий тушунишдан ташқари, уни берилган хоссали маҳсулот олиш имконини берувчи методлар ва жараёнлар мажмуи сифатида, педагог ва таҳсил олувчиларнинг фаолиятининг тизимли лойиҳаларини яратишга бўлган ўзига хос ёндашувлар сифатида ҳам талқин этилади [2, 22].

Компьютер технологиялари (КТ) ахборот технологияларининг (АТ) улар ёрдамида педагог ахборот ўтказиши/етказиши мумкин бўлган нафақат бир тури, кўриниши, балки унинг функцияларининг муҳим қисмини (ривожлантириш, ўқитиш, тарбиялаш, ташхис, назорат қилиш, баҳолаш) олиши мумкинлиги туфайли, биз уларни педагогик ахборот технологиялари воситалари қаторига қўшиш ҳам мумкин.

Компьютерли ўқитиш деганда кўпчилик: ахборот бериш, ўқитиш жараёнини бошқариш, тузатиш, ўқув жараёнини ривожлантириш бўйича маълумотлар тўплаш каби дидактик вазифаларни ечишга мослашган ўргатувчи/ўқитувчи дастурлар ёрдамида ўргатиш тушунилади. Ушбу таълим турини самарали қўллаш йўналишлари аниqlанди: 1) алоҳида фанлар бўйича ўқишида ўзлаштириш даражасини (давомотни) ошириш; 2) умумий билиш қобилияtlарини ривожлантириш (муаммоларни ҳал қилиш, мустақил фикрлаш, коммуникатив/мулоқот - ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш, синтез қилиш) кўнимкамларини эгаллаш; 3) ўқув жараёнини ташкил қилиш самарадорлигини ошириш (бошқаришнинг

автоматлашганлиги ўқитувчининг куч ва вактини ҳар кунлик/мунтазам ишдан бўшатишига/озод қилишига ёрдам беради) [3, 516].

Хозирги кунда компьютер саводхонлиги, ахборот маданияти, ахборот-коммуникация компетентлигини инсоннинг ажралмас компонентлари сифатида шакллантириш масаласи долзарблигича қолмоқда. Компьютер саводхонлиги оммавий фойдаланувчи учун мўлжалланган операцион муҳитда компьютер билан ишлай олиш, ахборот узатишнинг структурасини/тузилишини, имкониятлари ва воситаларининг умумий жиҳатдан билиш: алгоритмлаш, дастурлаш ва моделлаштиришнинг асосий тушунчаларини назарда тутилади [4, 276; 218]. Ахборот маданияти - ахборот дунёқараши ва анъанавий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда таълимга бўлган эҳтиёжларни оптимал/мақбул даражада қондириш учун мақсадга йўналтирилган мустақил фаолиятни таъминловчи компьютер воситалари билан ишлашга оид билимлар, малака ва қўникмалар тизимининг мажмуидир. "Саводлиликнинг энг юқори даражада намоён бўлиши, умумий маданиятнинг таркибий қисмларидан бири, жумладан шахсий фазилатлар ва касбий компетентлик" сифатида - ахборот маданияти битта дипломдан мутахассиснинг касбий портретини ташкил қилувчи кўплаб сертификатларга илгари боришини назарда тутади" [6, 19]. Ахборот компетенцияси муваффақиятли касбий фаолиятнинг омили, шунингдек, шахснинг ахборот жамиятида ижтимоий хавфсизлиги ҳисобланади, чунки мутахассиснинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини, ўз касбини етук ўзлаштиришига ва бу касбга яқин фаолиятлар соҳаларида тушуниш даражасига етишга, ўз ихтисосида дунё стандартлари даражасида самарали ишлашини, тинимсиз касбий ўсишга тайёрлигини, ижтимоий ва касбий мобиллигини/ҳаракатланувчанлигини таъминлашга ёрдам беради.

Ахборот маданиятини шакллантириш компьютерга маданий қадриятлардан бири сифатида муносабат қилишни/қарашни назарда тутади. Бу жараёнга Россияда ЯАТ (янги ахборот технологиялари) асосида масофавий таълимни яратиш ёрдам бермоқда. Олим Ершов А.П. компьютер саводхонлигидан ахборот маданиятига ўтиш стратегиясини қурди/яратди. Унинг фикрича, синф техник жиҳозлар, аудио-видео тизимлар билан тўла лабораториядан иборат бўлиши ва индивидуаллаштириш, кичик гурухларда ишлаш имкониятини яратиши керак. Телекоммуникациялар маълумотлар базасидан фойдаланиш, бошқа таълим муассасалари, кутубхоналар ва ахборот марказлари билан мулоқот қилиш имконини беради [5, 279; 82].

АТга мурожаат қилиш анъанавий фанлар бўйича таълим мазмунини танлаш стратегиясини такомиллаштиришга, самарадорлигини таълим жараёнини нафақат дарсларда, машғулотларда индивидуаллаштириш ва табақалаштириш/фарқлаш, бошқаришни такомиллаштириш орқали оширишга, балки мустақил ишда: уй вазифасини текширишда, қўшимча машғулотларда, имтиҳонларга тайёргарлик кўришда, ўзини назорат қилишда [15; 87, 31; 285], сиртқи ва масофавий таълимда [28; 182; 205; 207, 17; 223] ҳам оширишга ёрдам беради.

Таълим соҳасида компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш унинг бошқа барча соҳаларда ривожлантириш жараёнидан олдинда бўлиши керак, чунки бутун жамиятни ахборотлаштиришга таъсир кўрсатади, деган фикрни билдирилар. Олим Ершов А.П.нинг фикрига кўра, ахборотлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади: ахборотнинг очқилиги ва миқдори/ҳажмининг катталиги (унинг асосий маълумотлар базаларида, компьютер

дастурларида, маълумотномаларда тақдим этилган улкан ахборотлар массивларига кириш (фойдаланиш), ва таълим мақсадларига мувофиқ уни танлаш имконияти); индивидуализацияни кучайтириш; янгиланган/долзарб маълумотларни излашда биргаликда иштирок этиш туфайли тафаккур/фикрлаш тарзининг ўзгариши Турли фанларни ўқитишда дастурлаш ишлари кенгайтирилса, масофавий таълимдан фойдаланса, педагогик жараён таълимни ахборотлаштириш вазифаларига мувофиқ бўлади/мос келади. Бироқ бу вазифа ҳали юртимизда ҳал этилмаган. Муассасалар қимматбаҳо жиҳозларни сотиб ола олмайдилар, ўқитувчиларни тайёрлаш ва янги ахборот-педагогик технологияларни ишлаб чиқиши билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

Ахборотлаштириш жараёни ахборот маданиятини шакллантиришнинг тўрт йўналиши бўйича ҳаракат қиласи: моддий базани ривожлантириш, компьютер саводхонлигини ва ахборотни қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш малакаларини шакллантириш ҳамда электрон ахборотни ишлаб чиқариш ва дастурлаш [6, 65-66]. Биз учун бу соҳалар бўлажак мусиқа ўқитувчисининг ахборот маданиятини шакллантиришда ориентир/интиладиган мақсад/кўрсатма бўлиб хизмат қиласи.

Бугунги кунда ахборотлаштириш медиа-таълим доирасида амалга оширилмоқда. Медиа-таълим тарбиянинг деярли барча турларига таъсир кўрсатади: ақлий, ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий ва бошқалар. Медиа-саводхонлик - медиа-матнларни идрок қилиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва яратиш, замонавий дунёда медиа-воситаларининг амал қилишининг ижтимоий-маданий ва сиёсий контекстини тушуниш учун ривожланган қобилиятдир [5, 51-54; 257, 47; 278]. Медиа ахбороти бир вақтнинг ўзида ҳам эшитиш, ҳам кўриш қобилиятига таъсир этиб, инсоният тўплаган деярли барча алоқа йўлларини синтез қила олади.

Медиа таълим, бошқалар қаторида мусиқачилар учун ишлаб чиқилмоқда [1; 177;]. Олима Телишева Н. Н.нинг фикрига кўра, мусиқа ўқитувчиларининг таркибида техник ва эстетик компонентлари мавжуд педагогик медиа саводхонлигини шакллантириш муаммоси амалда мавжуд: 1) замонавий техник воситалари ва Интернет-технологияларидан фойдаланиш малакасини малакали тарзда/даражада ўзлаштириш; 2) медиа матнни "ўқишига" (таҳлил қилига) кириш; 3) замонавий қўнгилочар санъат ва медиа-жанрларнинг йўналишлари ва тилининг ўзига хослигига оид билимларни ўзлаштириш. Медиа-таълимнинг мақсади ўзини ифодалаш, ўз имконият, қобилият ва салоҳиятларини рўёбга чиқариш, ўзини (шу жумладан, ижодий жиҳатдан) ривожлантириш бўлиб, бунга ёшлигидан бошлаб ўргатиш лозим. Чунки бу шахснинг ижтимоий адаптацияси/мослашуви, мустақил таълими, умумий ахборот маданиятини ривожлантириш зарурияти ва эстетик тарбия соҳаси билан боғлиқ муҳим масаласини ташкил этади(1-расм).

1-расм.

Мусиқа ва уни ўқитиш методикаси бўйича электрон ахборот ресурси





Ушбу мультимедиа воситасидан мусиқа таълимида тахсил олаётган талабалар ўзларига керак бўладиган манбааларни олиши мумкин.

Мусиқа таълими тизимини ахборотлаштиришни ўрганиш ЭМАнинг (электрон мусиқа асбобларининг) дидактик имкониятларини аниқлаш ва АТ асосида бўлажак мусиқа ўқитувчисини мустақил таълимга тайёрлашда ахборотлаштириш йўлларини аниқлаш имконини беради.

Мусиқий-компьютер технологиялари (МКТ) - инсонга ижодкорлик, ўрганиш/ўргатиш ва илмий тадқиқотлар учун доимий такомиллаштирилган воситалар берадиган ва илмий-техник тараққиёт ютуқларини узлуксиз янгилаш билан боғлиқ бўлган ёш ва жадал ривожланаётган билимлар соҳасидир. Компьютер технологиялари ва дастурий таъминотнинг ривожланиш суръати мусиқа редакторларининг/муҳаррирларининг янгидан-янги версияларини ўзлаштириш, мусиқа файлларини яратиш технологик жараёнини аппарат таъминотини модификация қилиш/ўзгартириш ва такомиллаштиришни зарур қилиб қўяди [166]. Бироқ, "мусиқа таълимнинг анъанавий тизими, жуда индивидуаллаштирилган бўлса-да, узоқ танаффусдан сўнг йўқолган кўникумаларини қайта тиклаш учун, фақат муайян тур ва доирадаги билимлар ва маҳсус малакаларини олиш керак бўлган одамлар учун таълимнинг шаклларини турли туманлаштириш (вариация қилиш) имконини назарда тутмайди.

Мусиқий-компьютер дастурлари таълимни нафақат иллюстратив (кўргазмали) материал билан мустаҳкамлайди, тўлдиради, балки ўқитуш/ўргатувчи функциясини амалга ошириш билан улар уйғунлик (гармония)нинг конструктив имкониятларини намойиш қилишга, шаклни шакллантиришга аралашиб, динамика, вариация қилиш (турли туман тур/усулларни ишлатиш) имкониятларини кўрсатишга ҳам қодир.

АТлари асосида мустақил таълимни амалга ошириш учун ташхис қилиш/диагностик дастурлар ёрдамида тегишли/адекват ўзини баҳолашни шакллантириш кўникумлари, мустақил танланган компьютер воситаларидан фойдаланиб инсон ўз касбий ривожланишининг (ўзини/мустақил дастурлаш) режа-стратегияни тузা олиш малакалари зарур. Бунинг учун компьютер воситаларининг тарихан ташкил топган турлари ва улар ёрдамида ҳал этиладиган ривожлантирувчи вазифалар доирасини билиш муҳим аҳамиятга эга.

Олим ахборот фаолияти битта аён мотивнинг бошқа турли хил беш погона/даража эҳтиёжлари билан алоқасининг ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилишини ва уларни (эҳтиёжларни) таълим жараёнини ташкил қилишда ҳисобга олиниши керак деган фикрни илгари суради.

1. Ўзини актуаллаштириш/долзарблаштириш - қобилиятларни очиш, потенциални/салоҳиятни рўёбга чиқариш, юқори баҳоларга эмас, балки билимларга интилиш эҳтиёжи. Бу ҳолда таҳсил олувчиларга эркин дарс жадвали (тартибга солинмаганлик, индивидуал

режа асосида ишлаш) бўйича таҳсил олиш имкониятини яратиб бериш, мусобақани рағбатлантириш лозим.

2. Вазифанинг уддасидан чиқа олиш билан, унинг ечимини баҳолай олиш билан боғлиқ ўзини мустақил (ўзи) баҳолай олиш. Таҳсил олувчиilar учун баҳолаш вазияти, жамияда ўз ўрни/мавқеини тасдиқлаш ва натижа муҳим ҳисобланади, шунинг учун уларни ўз маълумотлар банкларини яратишга жалб қилиш тавсия этилади.

3. Тегишлилик/мансублик - ўз ижтимоий гурухига қабул қилишга/мансуб бўлишга интилиш. Бу эҳтиёж мулоқотда ва ҳамкорликда намоён бўлади. Бироқ, ижодкор/ижодий инсонлар оддий/одатий мулоқотга интилмайдиган, бутун жамоага хос бўлган қобилиятлар қаторидан "тушиб қоладиган/ўхшамайдиган" қобилиятларни ривожлантирадиган индивидуалист инсонлардир. Уларни рефлексияга, саволларнинг пухта ўйланган бўлиши ёрдам берадиган чатлар ва форумлар, виртуал жамоалар, ICQ - синхрон режимда сухбатлар/музокаралар жалб қиласди. Шунинг учун мулоқот рағбатини/мотивини ҳамкорликка айлантириш, лойиҳа фаолиятидаги роль вазифаларини тарқатиш (ахборотни киритиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш), веб-сайтларни яратишга жалб қилиш лозим.

4. Хавфсизлик - янги кириб келган нарса/ходисаларга эҳтиёткорона муносабат. Бу эҳтиёж вазифалар ва таомил/регламент/қоидаларга аниқ структура берилишини афзал билиш, ва иш алгоритмини ўрганишдан завқ олишни олдиндан белгилайди.

5. Физиологик эҳтиёж - замонавий ахборот муҳити шароитида истисносиз барча учун хос бўлган объектив эҳтиёж сифатида.

Олий таълим муассасалари “Мусиқа таълими” йўналиши талабаларининг мусиқий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришдаги таълим жараёнида қўлланиладиган восита, усул ва методлар келгуси авлодни мусиқий тарбиялашда яхши самара беради, десак муболаға бўлмайди. Талабаларнинг мусиқий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришда таълим жараёнига катта аҳамият бериш зарур.

Таълим жараёнида дарслилар, ўқув қўлланмалар, ўқув-методик қўлланмалар, педагогик технологиялар, ўқув-услубий ишланмалар, тарқатма материаллардан фойдаланиб келинмоқда. Аммо, фақатгина шулар билан чегараланиб қолмасдан, таълим беришнинг янги услуг ва усулларини ишлаб чиқиш, янги замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш зарур.

## REFERENCES

1. Bork, A. Computers and educational systems // Australian Educational Computing. – 1991 - № 6. – p. 34-37.
2. Clemence M.K., “Use of Instructional Technologies in Teacher Training Colleges in Malawi”, Ph.D Dis., Virginia Polytechnic Institute and State University, 2006. 132 p.
3. Daniyarov B.X. Innovatsion texnologiyalar asosidata’lim jarayonlari sifat va samaradorligini oshirish. Monografiya. – T.: Sano–standart, 2014. –260 c.
4. Куйчиева М.А Competent Approach as a Conceptual Basis of Pedagogical Education // International Conference on Humanities, Education and Sciences London Conference Proceedings 2021. December 15 th, 2021. 113-116 b.
5. Куйчиева М.А. // Organization of Experimental Works on the Development of Professional and Methodical Competence of Future Biology Teachers // Eurasian Journal of Learning and

Academic Teaching. Open Access, Peer Reviewed Journal. 2022. 5 February ISSN (E): 2795-739, 19-21b. (№7. SJIF; IF-8.115)

6. Henderson L., Klemes J., & Eshet Y. (2000). Just playing a game? Educational simulation software and cognitive outcomes. *Journal of Educational Computing Research*, 22 (1), 105–129.